

## ТИЛИМИЗДА МОРФЕМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШ ДОИРАСИ

*Эргашова Ҳилола**Термиз давлат Педагогика институти  
Филология факултети Ўзбек тили ва адабиёти  
йўнлиши 3-босқич 305-гуруҳ талабаси*

**Аннотция:** Ушбу мақолада етакчи ва кўмакчи морфемаларнинг қўлланиш ўринлари, қай тарздаги меёрларга амал қилиши ва она тилмиздаги аҳамияти ёритиб берилган.

**Калит сўлар:** морфема, кўшимча, асос, луғавий, синтактик, шакл, ясовчи.

Сўзнинг бошқа маноларга бўлинмайдиган, энг кичик қисми морфема дейилади. Морфема сўзининг келиб чиқиши грекча сўздан олинган ва “**шакл**” демакдир. Ҳар бир сўзнинг таркибий қисми манולי қисмлардир. Малумки сўзнинг ўзакдан бошқа қисмлари айрича маъно англатмайди. Шунинг учун ҳам бу қисмлар морфема деб аталади. Масалан, **китобимиз** сўзида китоб сўзи алоҳида ўринга ега. Чунки китоб сўзи бўшқа морфема яни таркибий қимларсиз ҳам алоҳида маъно англата олади. Шунга асосан, у лексема дейилади. –имиз кўшимчаси эса асосий қисмсиз маъно англат олмаслиги билан фарқланади.

Сўзларининг иккала қисми ҳам, луғавий маъно англатувчи қисми ва грамматик маъно англатувчи қисми ҳам морфема дейилади. Асос **етакчи морфема**, кўшимча эса **кўмакчи морфема** ҳисобланади.

Етакчи морфема сўзнинг асос қисми ва у бошқа таркибий қисмларга бўлинмайди. Шу сабабли у сўзнинг асоси деб олинади. Асос сўзнинг шакл ва маъно жиҳатдан ўзгармас ва унга турли кўшимчалар қўшилса ҳам ўз мазмунини сақлаб қоладиган қисмидир. Масалан, **дўст, дўстлар, дўстлари, дўстларим, дўстларимиз, дўстларимизга, дўстларимиздан** каби грамматик маъноларни ифодалаб келсада унинг асоси яни дўст шакли ўзгармаган. Етакчи морфема сўз ясалиши учун ҳам асос қилиб олинади. Агар сўз ҳечқандай кўшимчаларсиз асос ҳолида (Мас, ватан, дўст, китоб) қўлланса битта морфема яни етакчи морфема деб қаралади. Морфемаларга ажратишда биринчи бўлиб етакчи морфемани аниқлашимиз кўл келади. Масалан, сайлов яни сайла-в каби морфемалардан ташкил топганлигини асосга қараб аниқлаб оламиз.

Сўзлардаги ҳар бир қисм ўз маъноларига эга. Теримчиларнинг сўзини олайлик, **тер**-асос, **им**- сўз ясивчи, **чи**-сўз ясовчи, **лар**- луғавий шакл ясовчи **нинг**- синтактик шакл ясовчи. Бешта манולי қисм бор экан.

Ўзбек тилида кўшимчалар қўшилишининг маълум бир қоидаси бор. Қуйида келтириб ўтамиз.

1. Асосдан сўнг сўз ясовчи
2. Сўз ясовчидан сўнг луғавий шакл ясовчи

3. Луғавий шакл ясовчидан сўнг синтактик шакл ясовчилар кўшилиши меёр ҳисобланади. Масалан, **синфдошларимиз** сўзини қисмларга ажратиб чиқсак юқоридаги меёрга амал қилади. Синф асос, дош-сўз ясовчи, лар-луғавий, имиз-синтактик шакл ясовчилардан ташкил топган.

Кўмакчи морфемалар эса кўшимчалар демакдир. Кўшимча яни аффикслотинчада “боғланган”, “бириктирилган” маъноларини ифодалайди. Кўмакчи морфемалар сўзларга, тўғрироғи етакчи морфема яни асосларга турли хил кўшимча маъно юклаш учун хизмат қилади. Масалан, **дўстларим сўзидаги дўст-асос, лар-кўплик, им-эғалик маъноларини юкляяпти.**

Кўмакчи морфемалар мано ва вазифасига кўра **сўз ясовчилар; шакл ясовчилар; синтактик шакл ясовчиларга** бўлинади.

Сўз ясовчи кўшимчалар асосга кўшилиб янги мано ифодлайди. Масалан, **чирой-чиройли, гул-гулчи.**

Луғавий шакл ясовчи кўшимчалар турли хил чни кўплик, кичрайтириш, эркалалаш, даражалалаш маноларини юклайди. Масалан, **қизча-қиз-ча, гул-лар, оқимтир-оқ-имтир.**

Синтактик шакл ясовчи кўимчалар сўзнинг бошқа сўзга муносабатини билдиради. Масалан, **уйим-им сўзида эғалик, келдим-им сўзида шахс-сон** маноларини ифодалаяпти.

Тилимизда морфемаларнинг кўплиги ҳам тилимизнинг бойишига катта ҳисса қўшади. Ҳар бир етакчи ва кўмакчи морфемаларни қўллаш меёрига амал қилинса, адабий тилимиз ҳам услубиятимиз ҳам ўз ўрнида бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Умурқулов.Б., Умурқулов З . Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. Термиз.2018.
2. Ҳозирги ўзбек адабий тили., Сайфуллаева.Р., Менглиев.Б, Боқиева.Г., Қурбонова. М, Юнусова.З., Абузалова. М.Тошкент. 2010.
3. Раҳимов.С., Умурқулов.Б, Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т,:Ўқитувчи, 2003. Дарслик, ЎЗ.Р ОТВ тас